

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BO'STON TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**



**РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
БУСТАНСКИЙ МЕЖРАЙОННЫЙ
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ СУД**

170400, Andijon vil, Bo'ston tumani,
Mustaqillik ko'chasi, 36-uy

170400, обл. Андижан, р. Бустан,
улица Мустақиллик, 36

Тел: (0-374) 333-22-29, факс: (0-374) 333-14-37 Веб-сайт: www.oliysud.uz эл.почта: i.buz@sud.uz

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Бўстон туман

2021 йил 27 декабрь 4-1703-2101/842-сонли иш

Бўстон туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.Умаралиев, Асака туман прокуратурас даъвогар- [REDACTED] манфаатида, жавобгар- [REDACTED] га нисбатан соддалаштирилган тартиб асосида тақдим этган даъвоси бўйича иқтисодий ишни Бўстон туманлараро иқтисодий суди биносида ўтказилган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Асака туман прокуратурас (кейинги ўринларда матнда “Прокуратура” деб аталади) [REDACTED] (кейинги ўринларда матнда “Даъвогар” деб аталади) [REDACTED] манфаатида иқтисодий судга даъво ариза билан мурожаат этиб, [REDACTED] (кейинги ўринларда матнда “Жавобгар” деб аталади)дан 2 843 000 сўм қарз ундиришни сўраган.

Суд ишдаги мавжуд хужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан даъвони қаноатлантиришни лозим топади.

Аниқланган ҳолатларга кўра, тарафлар ўртасида 2020 йил 30 январда 156-сонли шартнома тузилган. Шартнома шартларининг 1.1-бандига кўра “Бажарувчи” “Буюртмачи”нинг буюртмасига асосан барча турдаги механизациялашган ишларни бажариш, техника ресурсларини етказиб бериш мажбуриятини олган, “Буюртмачи” эса шартноманинг 2.1-бандига асосан буюртмачи кўрсатилган хизматларга олдиндан 100 фоиз тўловни амалга ошириш, бажарувчи эса хисобрақамга пул маблағлари келиб тушгандан сўнг 60 кун давомида хизматларни кўрсатиш, 2.2-бандида эса олдиндан тўлов амалга оширилмасдан хизмат кўрсатилганда буюртмачи 30 банк куни ичида кўрсатилган хизмат учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Жавобгар ва даъвогар ўртасида тузилаган 2020 йил 30 январда 156-сонли шартномага асосан кўрсатилган хизматлар учун жавобгар томонидан тўловлар амалга оширилмасдан 2 843 000 сўм қарздорликни вужудга келтирган.

Жавобгарнинг мавжуд 2 843 000 сўм қарздорлиги ишдаги мавжуд хужжатлар билан ўз тасдиғини топади.



Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда матнларда “ФК” деб юритилади)нинг 236-моддасига кўра, мажбурият шартларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФК 703-моддасининг биринчи қисмига кўра, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш, буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 705-моддасига кўра, буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ва тартибда тўлаши шарт.

Ушбу ҳолатда суд даъвогарнинг 2 843 000 сўм асосий қарз ундириш талабини қаноатлантиришни лозим топади.

Суд ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд ҳаражатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш масаласини муҳокама этиб, давлат божи тўловини жавобгар ҳисобидан Республика бюджетига ундиришни лозим топади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига кўра, суд ҳаражатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-180, 203⁵- моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и:

Даъво тўлиқ қаноатлантирилсин.

_____ ҳисобидан:

- _____ фойдасига
2 843 000 сўм асосий қарз ва олдиндан тўланган 21 600 сўм почта харажати;

- Республика бюджетига 270 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон ўн кун муддатда Бўстон туманлараро иқтисодий суди орқали Андижон вилоят судининг иқтисодий судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят (прокурор протест) келтириши мумкин.

Раислик этувчи

С.Умаралиев

